ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-151-155

МУСУЛМОН РЕННЕСАНСИ ВА ИЛМИ МУСИҚА ФАЛСАФАСИ

Латофат Толибжонова
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Фалсафа ва мантиқ кафедраси

АННОТАЦИЯ

Бугунги мусиқий жараёнларни Ўрта асрлар мусиқий рисолаларида қайд этилган фалсафий қарашлар билан қиёсий ўрганиш даврлар туташувига оид кўплаб чигал илмий масалаларни ечишга имкон беради. Ушбу мақолада ўзбек классик мусиқасининг Шарқ Уйғониш даврига оид фалсафий тамойиллари бирламчи манбалар асосида тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: Ўзбек мусиқаси, мақом, мақомот тизими, фалсафа, илми мусиқа, мусиқи назария, мусиқий рисола, мусиқий қарашлар, Мусулмон Реннесанси, Форобий.

ABSTRACT

The comparative study of contemporary musical processes with philosophical views written in medieval musical manuscripts of the Middle East allows us to solve many intricate scientific problems associated with the connection of times. This article examines the philosophical principles of Uzbek classical music of the Islamic Golden Age (Muslim Renaissance) on the basis of primary sources.

Keywords: Uzbek music, maqom, system of maqomot, philosophy, musicology, music theory, manuscript, musical views, Muslim Renaissance, Farabi, Uzbekistan.

КИРИШ

Ўзбекистон – улкан тарихий-маданий мерос соҳиби, бу тамаддун уч минг йилдан зиёд даврни ўз ичига олади. Заминимиз ва унинг сарҳадларида Қадимий Хоразм, Қўшон подшолиги, Кангюй давлати, Турк хоқонлиги, Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар давлати, АмирТемур давлати, Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари каби давлатлар қарор топди. Бу орада у юксалиш ва таназзул даврларини бошидан кечирди. Лекин унинг негиз асослари барқарор сақланиб қолдики, булар энг аввало бадиий-фалсафий тафаккурда – неча минг асрлар давомида хотирадан хотирага, оғиздан оғизга, устоздан шогирдга узатиб келинаётган мумтоз мусиқа санъатида намоён бўлади.

Глобаллашув замонининг инсонни аслиятидан узоқлаштираётган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-151-155

шиддатли маънавий трансформациялар жараёнида миллатнинг генетик кодини ўзида мужассам қилган классик мусиқа, унинг тарихи, назарияси ва фалсафасини янгидан идроклаш зарурати долзарб тус олди. Зеро классик мусиқа барча замон ва маконларда инсонни юксак идеаллар руҳида тарбиялаш йўлида хизмат қилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Сўнгги пайтларда Ўзбекистонда жадал илгари сурилаётган Учинчи Реннесанс ғояси кўп жиҳатлари билан қадимдан келаётган мусиқий қадриятларимизга тааллуқлидир. Айни вақтда, классик мусиқамизни Ўзбекистоннинг тарихий тамаддуни, маънавият ва фалсафа оламидан ташқарида тасаввур этиш мушкул. Негаки мусиқани фақат товуш билан боғлиқ ҳодиса сифатидагина тушуниш уни тўлиғича идроклаш қамровини анчайин чеклаш демакдир.

Ўзбек классик мусиқаси Бухоро Шашмақоми, Хоразм Олти ярим мақоми ва Дутор мақомлари, Фарғона-Тошкент мақом йўллари, Ўзбек Шашмақоми ҳамда уларнинг атрофидаги мумтоз куй ва ашулаларда намоён бўлади. Биз мақомот деб атаётган тизим улуғ устозлар томонидан ишланган мукаммал таснифотлардир. Мақомларнинг турфа замонлар ва тузумлар тўфонидан бешикаст ўтиб келишининг асосий сабаби бу тизимда *парда, усул* ёки *шакл* тузилишида хато ёки тасодифийликнинг мавжуд эмаслигидадир. Масалан, Хоразм Олти ярим мақом туркумининг "Рост"дан бошланиб "Ирок"да тамом бўлишининг ўзидаёқ фалсафий ва мажозий маъно бор. Зеро мақом мусиқий мафкуранинг устувор тамойилларидан бири бўлмиш Вахдати Вужуд ва олам чексизлигининг рамзий ифодасидир.

Бугунги мусиқий жараёнларни ўтмиш мусиқий рисолаларида қайд этилган фалсафий қарашлар билан қиёсий ўрганиш, даврлар туташувига оид кўплаб чигал илмий масалалар устида кузатувлар олиб боришга имкон беради. Маълумки Аристоксен, Боэций, Эвклид, Птоломей асарларида пухта ишланган антик лад назарияси Шарқ мутафаккирлари ал-Форобий, Ибн Сино ва Сафиуддин ал-Урмавийлар томонидан ўз даврининг мусиқий амалиётига боғлаган ҳолда ижодий ўзлаштирилган. Шу туфайли ўрта асрлар мақомшунослик илми мислсиз ютуқларни қўлга киритган. Ал-Марогий, Абдураҳмон Жомий, Нажмиддин Кавкабий ва Дарвиш Алиларнинг мусиқий рисолаларида мақомларнинг назарий асослари, бадиий хусусиятлари ҳамда фалсафий моҳиятига тегишли чуқур илмий мушоҳадалар олиб борилган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-151-155

Шарқнинг Биринчи Уйғониш даврида мусиқа илми бемисл ривожланиб, юксак даражаларга кўтарилган. Ушбу даврда яратилган мусиқий рисолалар ўзининг сон ва сифати, салоҳияти, илмий масалаларнинг кўлами ва ёритилиши ҳамда мислсиз ютуқларга эришилганига кўра сўнги пайтларда яратилган мусиқий рисолалардан сезиларли ажралиб туради. Хусусан, ал-Киндий, ал-Форобий, “Ихвон ус-Сафо” биродарлари, Ибн Сино, Муҳаммад ал-Хоразмий, Фахриддин ар-Розий ва бошқа йирик олимларнинг йирик асарлари кейинги даврларда бунёд этилган мусиқий-назарий ва мусиқий-фалсафий қарашларнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Эътиборлиси, номлари зикр этилган аксар донишмандларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудидаги маданий марказларда кечган.

XX асрнинг йирик мутахассисларидан бири, инглиз олими Генри Жорж Фармернинг фикрича, Шарқ мусиқа илмининг тўрт асосий таянчи мавжуд. Уларнинг иккитаси Аббосийлар ҳукмронлиги даврида яшаган – Абу Наср ал-Форобий ва Абу Али Ибн Сино, иккитаси ундан кейин ўтган Сафиуддин Абдулмўъмин ибн Юсуф ал-Урмавий ва Хожа Абдулқодир ибн Ғоибий ал-Ҳофиз ал-Марағийдир.

Дунё фани тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган бу алломалар мусиқий-фалсафий тараққиётнинг тафаккур устунларидир. Бизнинг диёрда илмлар илми бўлмиш фалсафа, таълимот таянчи ҳисобланувчи риёзиёт (математика)нинг муҳим тармоғи ҳисобланган мусиқа ҳамиша шарафли илм ҳисобланиб келган. Шунинг учун ҳам бу заминнинг кўплаб пиру авлиёлари, донишмандлари, давлат арбобларию саркардалари соз чалишни, куйдан завқ олишни ўзларига одат қилган. Мисол учун, хоразмшоҳ Маъмун назм ва навонинг илмий ва назарий масалаларини яхши англагани, мусиқага мойиллиги ҳақида манбалар қайд этади. Шунингдек, Хоразмшоҳ Такаш Султон, ўғли Муҳаммад Хоразмшоҳ, набираси Жалолиддин Мангуберди ҳам муҳим ишларга қўл уришдан олдин мусиқа воситасида ибодат қилган, куй чалиб руҳиятини поклаган ва дунё мувозанатини шу ҳолда тўкисроқ ҳис этган. Амир Темур ва унинг авлодлари Мирзо Улуғбек, Шоҳрух Мирзо, Ҳусайн Бойқаро, Бобур Мирзо ва бошқалар ҳам созпарвар ҳукмдорлар бўлганлар.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Темурийлар даври тамаддуни жаҳон цивилизациясида Иккинчи Уйғониш даври деб номланадики, бу замон турк манфаати ғоясининг илгари сурилгани билан алоҳида эътиборлидир. Ўзбек мумтоз мусиқаси эса, санъатимизнинг бошқа турлари сингари, мазкур давр маданиятининг энг ёрқин саҳифаларидан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-151-155

бири сифатида намоён бўлади. Бу даврда Биринчи Уйғониш даврининг санъат фалсафаси, хусусан, мусиқий қарашлари, устувор илмий-назарий тартиб ва низомлари янги ижтимоий шароитларда давом эттирилди. Хусусан Алишер Навоий ижодида бу нодир санъатнинг ички қонун-қоидалари, туб тартиб ва низомлари бадиий тилда, ўнлаб мажозий образлар тимсолида ва ўзига хос рамзий тушунчаларда ифодаланади. Навоий мактабида тарбият топган улуғ созанда, бастакор ва мусиқашунослар, кейинги юксалиш пойдеворининг асосчилари бўлиб майдонга тушдилар. Бухорода яратилган Нажмиддин Кавкабий ва Дарвиш Али Чангийларнинг мусиқий рисолаларида мақом фалсафаси, тарихи ва назарий асослари илмий асосларда баён қилинади. Мазкур муаллифларнинг рисолаларида келтирилган шеърий лавҳаларда шу қарашлар гоҳ афсона ва ривоятлар тилида, гоҳ тасаввуфий бадиий рамзларда талқин этилади. Шу тариқа мусиқа ҳақидаги фикр давр фалсафий асосининг таркибий бўлаги сифатида миллат хотирасига сингдирилди.

Ўзбек классик мусиқасининг тарихи Ўзбекистон Мустақиллиги тарихидан анча узун. Аммо ана шу оз муддат ичида миллий қадриятларимиз қимматини тиклаш соҳасида қилинган ишлар узоқ тарихга татигуликдир. Айниқса, сўнгги йилларда шу қадар муҳим ўзгаришлар рўй бердики, жаҳон мусиқий харитасида янги ном-нишонлар, янги урф-одатлар юзага келди ва Ўзбекистонинг мусиқий қиёфаси бошқача тасаввур этиладиган бўлди.

Миллий классик мусиқамизнинг Давлат миқёсида диққат марказига олиниши – Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мақом нуфузини оширишга қаратилган “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори жаҳоншумул тарихий воқеа бўлди. Шунингдек, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3178-сон “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сон “Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 ноябрдаги 940-сон "Мақом санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни ташкил этиш тўғрисида"ги, 2020 йил 2 сентябрдаги 536-сон "Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорлари ҳам мамлакатда соҳа тараққиёти йўлида олиб борилаётган хайрли ишларга дастак бўлди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-151-155

ХУЛОСА

Шу тариқа, илм-фан тараққиёти авжига чиққан, ақл бовар қилмайдиган коммуникациялар жорий қилинаётган бугунги кунда ҳам мақом санъатимиз ўз мавқеини йўқотмади ва бебаҳо мерос сифатида эъзозланмоқда. Хусусан, мақом таълимига ихтисослашган ўрта ва таянч олий ўқув юртларининг пайдо бўлиши ўзбек мусиқаси, унинг тарихи, назарий асослари, фалсафий моҳиятини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Зеро мусиқий урф-одатлар, бадиий, илмий ва фалсафий қарашлар миллат меросини бир бутун маънавий қадрият тизими тарзида идроклашда ҳамда ворисийлигини таъминлаб боришда жуда муҳимдир.

REFERENCES

1. Матякубов О. Узбекская классическая музыка. Том 1. Истоки. Том 2. Теоретические основы. Т.: 2015.
2. Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси. Т.: Ёзувчи, 1998.
3. Раджабов И.Р., Сагадеев А. Ближний и Средний Восток. Вступит. статья. Музыкальная эстетика стран Востока. -М.: Музыка, 1967. с.
4. Ражабов И.Р. Мақомлар масаласига доир. -Т.: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1963;
5. Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент, 1993.